

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
“ИҚТИСОДИЁТДА МАТЕМАТИК МЕТОДЛАР” КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 330.115:336.77 (575.1)

Якупбеков Жасурбек Чинпўлат ўғли

ЎЗБЕКИСТОНДА ПУЛ МАССАСИ ВА РЕАЛ ДАРОМАДЛАР
ДАРАЖАСИ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИКНИ
ЭКОНОМЕТРИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

70310102-“Эконометрика”

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
н.ф.н., доц. О.Рихсимбаев

Тошкент – 2023

Магистрлик диссертация иши “Иқтисодиётда математик методлар”
кафедрасида дастлабки химоядан ўтган

_____ -сонли баённома “ _____ ” _____ 2023 й.


Кафедра мудири,
и.ф.н., О.Қ. Рихсимбаев



ИМЗО

_____ сана

Илмий раҳбар,
и.ф.н., О.Қ. Рихсимбаев



ИМЗО

_____ сана

Тингловчи,
Ж.Ч. Якупбеков



ИМЗО

_____ сана

Диссертация Ўқув-методик бўлимда 2023 йил “ _____ ” _____

№ _____ рақами билан рўйхатга олинди.

Бўлим бошлиғи _____

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон Республикасида пул массаси ва реал даромадлар даражаси ўртасидаги боғлиқлик эконометрик тадқиқ қилинган. Ўзбекистон Республикасида пул массаси ва уни ташкил этувчилар таҳлил қилинган. Вилоятлар бўйича аҳолининг реал даромадлари қиёсий таҳлил қилинган. Марказий банк томонидан пул массасини тартибга солиш жараёнлари ўрганилган ва таҳлил қилинган. Аҳолининг асосий даромад манбалари ва иккиламчи даромадлари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасида пул массасининг аҳоли даромадлари даражасига таъсир этиши бўйича кўп омилли эконометрик моделлар тузилган ва прогноз қилинган.

Калит сўзлар: пул массаси, Марказий Банк, пул массаси ташкил этувчилари, реал даромадлар, аҳоли даромадлари манбалари, кўп омилли эконометрик модел, энг кичик квадратлар усули, прогноз.

SUMMARY

In the Republic of Uzbekistan, the relationship between the money supply and the level of real income was studied econometrically. The money supply and its constituents are analyzed in the Republic of Uzbekistan. A comparative analysis of the real incomes of the population by region was made. The processes of regulating the money supply by the Central Bank have been studied and analyzed. The main sources of income and secondary income of the population were analyzed. In the Republic of Uzbekistan, multi-factor econometric models on the impact of the money supply on the level of income of the population were created and forecasted.

Key words: money supply, Central Bank, money supply components, real incomes, population income sources, multifactor econometric model, method of least squares, forecast.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----------|
| Аннотация | 3 |
| Мундарижа | 5 |
| Келтирилган жадваллар рўйхати | 7 |
| Келтирилган расмлар рўйхати | 8 |
| Келтирилган қисқартмалар..... | 9 |
| I БОБ. КИРИШ | 10 |
| 1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги | 12 |
| 1.2. Тадқиқот мақсади ва вазифалари..... | 14 |
| 1.3. Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари..... | 15 |
| 1.4. Тадқиқот объекти ва предмети | 16 |
| 1.5. Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти | 16 |
| 1.6. Диссертация таркибининг қисқача тавсифи..... | 17 |
| II БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ..... | 19 |
| 2.1. Кириш | 19 |
| 2.2. Мавзуга оид илмий-назарий қарашлар шарҳи | 19 |
| 2.3. Мавзуга оид маҳаллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи | 27 |
| 2.4. Хулоса..... | 32 |
| III БОБ. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ..... | 33 |
| 3.1. Тадқиқот дизайни | 33 |
| 3.2. Маълумотларни тўплаш жараёни | 33 |
| 3.3. Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар | 34 |
| 3.4. Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар | 50 |
| 3.5. Тадқиқот жараёнида кутилаётган муаммолар ва уларнинг ечими | 51 |
| 3.6. Тадқиқотдан кутилаётган илмий ва амалий натижалар | 52 |

| | |
|--|-----------|
| IV БОБ. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР | 53 |
| 4.1. Ўзбекистонда пул массаси ва аҳоли даромадлари таҳлили..... | 53 |
| 4.2. Ўзбекистонда пул массаси ва реал даромадлар кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш..... | 70 |
| 4.3. Таҳлиллардан олинган натижалар шарҳи..... | 80 |
| V БОБ. ХУЛОСА | 83 |
| 5.1. Тадқиқот саволига тегишли натижаларнинг қисқача ифодаси..... | 83 |
| 5.2. Тадқиқотнинг асосий таклиф ва тавсиялари | 85 |
| 5.3. Тадқиқот чекловлари ва келгуси тадқиқотлар учун таклифлар..... | 86 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 87 |
| Иловалар | 90 |

I БОБ. КИРИШ

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб иқтисодий ислохотларнинг асл мақсади аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишдан иборат. Аҳолининг реал даромадларининг ортиб бориши ўз навбатида уларнинг сифатли таълим, сифатли хизмалардан фойдаланишга олиб келади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида қуйидагиларни қайд этиб ўтган: “Биз иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини, аҳоли жон бошига даромадларни ошириш сиёсатини изчил давом эттирамиз. Фаровонлик ошгани сайин аҳолимизнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бормоқда. Одамларимизни касб-хунарли қилиш, уларнинг бизнесига кенг йўл очиш, ҳақиқий мулкдор бўлиб, даромад топиши учун зарур шароитларни яратмоқдамиз. Аҳолимиз биздан мактаб, боғча ва шифохоналарни кўпайтириш, таълим ва тиббиёт сифатини оширишни, маҳаллада йўл, сув, электр, транспорт муаммоларини ҳал қилишни, иш ўринларини кўпайтириш, тadbиркорликка янги имкониятлар яратишни, адолатни таъминлаш, оворагарчилик, бюрократия ва коррупцияни йўқ қилишни кутмоқда”¹.

Албатта аҳолининг реал даромадлари бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, унинг етарлича миқдорини таъминлашда мамлакатнинг молиявий ва банк тизими катта роль ўйнайди. Марказий Банк мамлакатда ҳар ойда -пул-кредит сиёсатининг асосий кўрсаткичларини, шу жумладан пул массасининг динамикаси ва таркибини, банк тизимида доир статистик маълумотларни, Марказий банкнинг операциялари тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларни эълон қилади². Марказий банк республикада пул массасини тартибга солишнинг асосий регулятив инструментларини бошқаради ҳамда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси (тўлиқ матни) 20-декабрь 2022 йил. <https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/751>

² Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонуни, 2019 йил 11 октябрда Сенат томонидан маъқулланган. <https://lex.uz/docs/4590452>